

● ДЕФОЛИАЦИЯНИ БАРЧА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДА ТЕЗ ҲАМДА СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК ● ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ МАВСУМГА ЎЗ ВАҚТИДА ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛСИН ● ДАЛАЛАРДА ИШЛАЙТГАН ТЕРИМЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРАЙЛИК.

БҲТҮН ДҲНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 173 (4379). | 3 сентябрь, 1971 йил, | Ж У М А | Баҳоси 2 тийин.

ТЕРИМГА ШАЙМИЗ

Оққўрғон районидagi Навоий номидаги колхоз деҳқонлари тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлаш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Шу кеча-кўнунда ҳар тўп гўзда 10-12 тадан кўсак олиниб етилган. Ҳужаликда пахтачилик билан бир қаторда қанопчилик ҳам алоҳида эътибор берилган. Утган йили 200 гектар ерга қаноп экилиб, мўл ҳосил олинган эди. Бу йил қаноп майдони 300 гектарга кўпайтирилди. Ҳозирги кунда барча қанопчилик бригада ва звеноларида иш қизғин. 12 та «ТС» маркали машина тинимсиз

ишлаб турибди. Азамат лубкорлар далаи қаноп поясида 25 сентябргача тозалаб, давлатга топшириш учун астойдил курашмоқдалар. Т. Ҳайитов, Э. Сайдалимов, Б. Тошадиев, И. Қосимов, Н. Ҳамдамов бошлиқ пахтачилик комплекс механизациялашган звенолари эса еттиштирилган «оқ олтин» ҳосилини ўз вақтида йигиб-териб олиш учун барча тайёргарликни қўриб қўйишган. Звено, бригадалардаги мавжуд 35 «зағор» кема» сифатли ремонтдан чиқарилиб, теримга шай бўлиб турибди.

Т. ТУРҒУНБОВ.

МЕХНАТ ҚУВОНЧИ

Бепоя пахта далалари шу кунларда ўзгача ҳусн касб этган. Катта-катта қаргалар да чирой очган гўзалар. Бекобод районидagi Ойбек номидаги совхознинг Жўрамурод Бердиев бошлиқ бригадаси 30 гектар ўрнига 35 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олишган. Пахта далаларида етиштирилган мўл ҳосил оли-

ган мажбуриятнинг ошириб бажарилишидан далолат бериб турибди. Мўл ҳосил етиштиришда сувчилардан Жўрабой Туробов, Бобоназар ота Назаров, ишчилардан Улфат Оранова, Салима Қиринова, Сафарой Мирзаева ва бошқаларнинг қилган меҳнатлари ҳурматга сазовордир. Ш. НУРАЛИЕВ.

МАШИНАЛАР ТАЙЁР

Собир Раҳимов номидаги колхоз Янгийўл районидagi илгор ҳўжаликлардан бири ҳисобланади. Шу кеча кўнунда колхоз далаларида иш авида. Дала меҳнаткашлари 1050 гектар майдонда 28 центнер ўрнига 33 центнердан «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишган. Улар ана шу мақсадда йил бўйи тер қўниб меҳнат

қилишди. Натижа ёмон бўлмади. Ҳар тўп гўзда 10-12 тадан бўлиқ кўсак тўпланди. Колхоз механизаторлари «зағори кема»лар ёрдамида 1200 тонна «оқ олтин» териш учун барча тайёргарликларни қўриб қўйишган. 22 та «ХТ-1,2» маркали терим агрегати ремонтдан сифатли чиқарилиди. О. МАЪМУРОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ЎЗГАНИ ДЕФОЛИАЦИЯ
ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ШУ
ЙИЛ 2 СЕНТЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Бекобод	9,0	33,5
Юқори Чирчиқ	8,1	52,7
Оққўрғон	8,8	32,2
Бўна	8,9	26,7
Ўрта Чирчиқ	10,9	18,0
Пискент	3,5	10,1
Янгийўл	4,6	8,0

Область бўйича 8,2 24,8

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
КАНОП ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ
ЙИЛ 2 СЕНТЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Ўрта Чирчиқ	5,8	83,9
Янгийўл	5,4	51,8
Бўстонлиқ	3,7	29,9
Юқори Чирчиқ	3,1	29,4
Оққўрғон	3,9	27,7
Область бўйича	3,9	32,2



ЎРТА ЧИРЧИҚ районидagi «Коммунизм» колхозида пахта терими кун сайин қизғин тус олмақда. Гулиоз Чахалова бошлиқ бригада аъзолари терим суръатини кучайтирмоқдалар. Мавсумда 8 тонна пахта териш мажбуриятини олган Норгўл Миязова дастлабки кундаоқ бошқаларга ўрнак бўлиб, қўллаб пахта терайтер. Суратда: Н. Миязова. О. ПЕШЕНОВ фотоси.

„ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНЛАРИ

Областининг Пискент районидан кейин Янгийўл ва ўрта чирчиқликлар ҳам пахта йигим-теримига киришдилар. Далаларга чиққан юзлаб теримчилар лўппи-лўппи очилган пахталарни қувонч билан териб олмақдалар. Улар ана шундай мўл ҳосилни етиштириш учун баҳор ва ёз кунлари тер қўниб меҳнат қилдилар. Ҳар тўп гўза деҳқон меҳрига қонди. Механизаторлар ва сувчилар гўза тагларини юмшатиш, экинни об-ҳайта қондиришда ғайрат кўрсатдилар. Пахтакор-

лар меҳнати ўз натижасини берди. Мана бугун пахта орта кизил қарвонлар давлат қабул пунктлари томон саф тортиб келмоқдалар. Янгийўл районидagi Киров номидаги колхоз аъзолари ҳозиргача 10 тоннадан ортиқ пахта топширдилар. Райондagi Фрунзе номида, Идатов номида, Назарали Ибодов, Ёлмурод Турсулқулов номида ва бошқа колхозларда барча колхозчилар йигим-теримда иштирок этмоқда. Шунингдек, Ўрта Чирчиқ

районидagi Охунбобоев номидаги колхоз аъзолари ҳам йигим-теримни ва давлатга пахта топширишни бошлаб юбордилар. Теримчилар кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар. Колхоз аъзолари бу йил ҳосилнинг 75 процентини машиналар билан териб олишга қарор қилганлар. Улар КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб ҳар гектар ерда 32 центнердан пахта топшириш ва йиллик планини 10 октябргача бажаришга қарор қилганлар.

ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎҚУВИ

2 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида район ва шаҳар партия комитетлари умумий бўлим мудирларининг семинари ўз ишларини бошлади. Бу семинарда область партия комитетлари умумий ва молия-ҳўжалик бўлимларининг мудирлари ҳам қатнашмоқдалар. Партия ходимлари икки кун мобайнида бир қанча докладларни тинглайдилар, тўпланган таърибни ўртоқлашдилар.

Семинарни КПСС Марказий Комитети Сўбсий Бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди. (ЎЗАТА).

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ МЕХНАТ ШИЖОАТИ

МОСКВАЛИКЛАР УЛУҒ ОКТАБРНИНГ 54 ЙИЛЛИГИНИ
МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН МУСОБАҚАНИ АВЖ
ОЛДИРМОҚДАЛАР

Москва меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларидан руҳланиб тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатдан илгари бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Пойтахтдаги завод ва фабрикаларнинг илгор коллективлари эришилган муваффақиятларга суяниб Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 54 йиллиги шарафига мусобақани кучайтириб юбордилар.

Москва Калинин район корхоналари ва ташкилотлари илгор коллективлари 1971 йилга олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этмоқдалар ва Улуғ Октябрнинг 54 йиллигини муносиб равишда кутиб олишга интилиб, байрам олдиди меҳнат ваҳтасига турдилар ва маҳсулотни реализация қилиш 10 ойлик планини белги-

ланган муддатдан беш кун олдин бажаришга ваъда бердилар. Қишлоқ ҳўжалиги учун маҳсулот ишлаб чиқариш ўн ойлик планини 27 октябрда бажаришга, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан 1971 йилги план топширигини 23 декабрда бажаришга қарор қилиди. КПСС Москва шаҳар комитетининг бю-

ришинг самарадорлигини ошириш учун социалистик мусобақани авж олдириб, пойтахт меҳнаткашлари янги беш йилликнинг биринчи йилида йиллик планини ва қабул қилган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга, Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 54 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилоқдалар. (ТАСС).

КОЛХОЗНИНГ БОЛАЛАРГА СОВҒАСИ



Бу кўркем бино қишлоқнинг ҳамма бурчагидан яққол кўзга ташланади. Бинонинг иккинчи қаватига қўйилгангиз бир томонда колхоз далалари, бошқа томонда — республика пойтахтининг улкан қурилишлари панорамаси кўз ўнгинида таваллудланади. Янги мактаб эшикларини очилишини болалар сабрсизлик билан кутган эди. Ниҳоят, бу кун келди. Мактабнинг очилиш кўни болалар учунгина эмас, балки Калинин районидagi Карл Маркс номидаги колхознинг барча аъзолари учун тантанага айланди. Райондagi юқори ҳосилли, бадавлат бу ҳўжалик ўз маблағи ҳисобига ана шундай ҳашаматли мактаб биносини ўқувчиларга совға қилиб топширди. Бу иморат колхозда кейинги икки уч йил ичида қад қўтарган турар жой, маданий-маиший қурилишлардан бири. Уларни бунёд этиш учун қишлоқ ҳўжалик артели катта маблағлар сарфламоқда.

Янги мактаб колхоздаги учинчи билим даргоҳидир. У 536 ўқувчига мўлжалланган. Мактабни «Гавташкент-строй»нинг 159-трести 22-қурилиш бошқармаси бинокорлари қўлдан чиқарадилар. Бинокорлар меҳнатига колхоз аъзолари ҳам, мактаб коллективи ҳам юқори баҳо беришди. Янги мактабда янги ўқув йилини бошлайтган ўғил-қизларни колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғуломмаҳмуд Абдуллаев қизгин табриқлади. 22-қурилиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бобилев мактаб калитини унинг директори ўртоқ М. Тўлағановга топширади. Болалар билан бирга зиёбахш даргоҳга қирамиш. 2 та икки қаватли ва бир қаватли иморат мактаб комплексини ташкил этади. Ойиванди йўлак бу биноларни туташтириб туради. Икки қаватли бинога синфхоналар жойлашган бўлса, бир қаватлисида физкультура билан шўғулланиш

мумкин. Душхона, устакхоналар ҳам ниҳоятда дид билан қурилган. Баскетбол ва волейбол майдончалари ёшларнинг сеvimли спорт тури билан шўғулланишларига имкон беради. Областиимизнинг ҳамма билим даргоҳларидагидек биринчи дарс бу ерда ҳам Ленин дарси бўлди. 10 та синфнинг ҳаммасида биринчи кун ўғил-қизлар доҳийнинг ҳаёти ва ижоди билан таништирилди. Мактабнинг 14 та синфхонаси, 8 та алоҳида фан кабинетлари, мажлислар зали борки, улар таълим-тарбия ишларини юқори савияда олиб боришга ердан беради. Мактаб атрофидаги беш гектарлик майдон ўқувчиларнинг дарсда олган билимларини амалда сынаб қўришлари учун ўзига ҳос таърибга даласига айлантирилади. Ўқувчилар бу ерга минглаб мевали дарахтлар, гуллар утқазиб, кўркем бог бунёд этмоқчилар.

Колхоздаги мактабга янги ўқув йили бошланиши арафасида КПСС Марказий Комитети Сўбсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов келдилар. Мактабнинг фатрий меҳмонлари китобига улар колхознинг болалар ҳақида қилаётган катта гажўрлиги учун ташаккур сўзлари эзиб қолдирдилар. Ўқитувчиларга ижодий муваффақиятлар тилаб, ўқувчиларини билим чўққиларини эгалашга чақирдилар.

М. СОАТОВ.

Суратда: Карл Маркс номидаги колхозда қурилган янги мактаб.

А. АБАЛАН фотоси.

ДАМАШҚ

Бу ерда ўтаётган 18-халқаро ярмаркада Совет Иттифоқининг миллий кўни нишонланди. Ярмарканинг бош директори Ношим Ҳофиз матбуот вакиллари ҳузурида сўзлаб, Дамашқ ярмаркасида СССРнинг қатнашуви унинг экономика соҳасидagi аjoyиб муваффақиятлари ва кенг қўламадagi савдо-сотиқ имкониятларининг далилигига бўлиб қолмай, ик-

ки мамлакат ўртасидagi маданий алоқаларини ривожлантиришга қимматли ҳисса ҳам қўшади, деди.

ТЕХРОН

БЕШИНЧИ Халқаро Шероз санъат фестивалида совет музикаси кўни бўлди. Тўлиб-тошган залда Рудольф Баршай бошқарган Москва камер оркестри концерт берди. Бу оркестр Моцарт, Прокофьев, Бах

асарларини ижро этди.

Музыка таинидчилари совет артистларининг концертидан завқланганликларини изҳор қилдилар. «Москва оркестри Шерозни забт этди», — деб ёзади «Техрон жорнал» газетаси. «Концерт бошланиши билан кўн тингловчилар гоят юксак даражадаги аjoyиб ижронинг мафтўни бўлиб қолдилар», — дейди газета. Тошонабинлар совет артистларини завқ-шавқ билан табриқладилар.

АДДИС-АБЕБА

АДДИС-АБЕБАДА Африкада қишлоқ ҳўжалик фанининг тараққиётига ердан берувчи уюшманинг биринчи бош ассамблеяси очилди. Ассамблеяда Эфиопия императори Хайле Селассие I нутқ сўзлади. Император ўз нутқида таъкидладики, уюшма Африкада ҳамкорлик қилиш ва билимларни баҳамлашсининг муҳим қуроли бўлиб қолмоғи керак.

Етти кун давом қиладиган бош ассамблея ишида Африка, Европа ва Америкадаги 34 мамлакатнинг салкам 200 вакили қатнашмоқда.

ДАКАР

КОНАКРИ радиосининг хабар беришча, Вирлашган Миллатлар Ташкилати Хавфсизлик Кенгашининг Сурия Араб Республикасининг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Жоржен

Томе бошчилигидаги миссияси Гвинея Республикасининг пойтахтига келган.

Миссия Гвинея Республикасига қарши Гвинея (БИСАУ) территориясидан Португалиянинг янги агрессияси тайёрланайтганлиги тўғрисида президент Секу Туре баёнотидаги биноат Хавфсизлик Кенгашининг қарорига кўра Конакрига келди.



БИР КОРХОНА МАШЪАЛЛАРИ



БУ оташқал йилгилар «Э-бехиммаш» заводининг қозон цехида ишлабди. Ўртоқ Д. Вородченко бошқарувида бригадалари смена тошириқларини доимо ошириб адо этишади, буюртмалар ўз вақтида ўрилатилади.

А. Тўраев фотоси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Арифмометр ўрнида

ПЕНЗАДАГИ «Счетмаш» заводи ишлаб чиқаришда ушбу арифмометр электрон ҳисоб машиналар «Искра-110» деб аталади. Бу машиналар статистика ҳисоб-китоблари ва план-қисқаси ҳисоб-китоблар учун мукаммал. Барча арифметик амалларни машина секундининг бир неча улушида бажаради.

Иш охиригача мамлакатимизнинг муассасалари неча юзлаб «Искра-110» машиналарига эгадир.

Универсал ўрвчи агрегатлар

КАНСУКАСДАГИ озиқ-овқат автоматлари заводи қадон-қайнақ ва ўрайдиган автомат агрегатларини қўллаб ишлаб чиқара бошлади. Бундай агрегатлар полиетилен пленкадан пакетлар тайёрлайди, Махсулотларни қадонлаб, шу пакетларга солиди ва устига ранглар ёриқ ёпиштириб қўяди. Автомат озиқ-овқат махсулотларини беш граммдан то янми килограммгача қадонлаб бериши мумкин. Автомат бир соатда ермиз, туз, шакар ёки бошқа хил майда махсулотлар солиниб 7 мингта пакет чиқара олади.

Корхонада ёғ, сузма, чучура, қимма, сабзавот ва резавор мева пасталари, суяқлиқларни қадонлаб, ўраб берадиган автоматларини ишлаб чиқариш ишига қўйилмоқда. Ҳар бир шундай қадонловчи автомат машина 15—20 ишчининг ўринини боса олади.

Телескопик стрелали кран

КУБИШЕВДАГИ биринчи механика заводи «МКА-63» маркали монтаж қўлувчи янги кранларини қўллаб ишлаб чиқара бошлади. Агрегат «ЗНЛ-130» автомобиль базасида яратилган. Краннинг телескопик стреласини (қўлини) машинист кабинатидан туриб қўшиб, қисқартири олади.



«Ташхантажмонтаж» трестнинг 2-монтаж бошқармаси коллективи 9-бешйилликнинг биринчи йили тошириқларини муваффақиятли бажариш учун сўратга сўрат қўшмоқдалар. Айниқса, Тўқийн Хасанов бошчилиги қўлга олинган бригадалари барчага намуна кўрсатмоқдалар. Сўратда: (чапдан) Т. Хасанов, М. Набиев ва Г. Курбанов ўртоқларини қўриб турибди.

И. Шонногоров фотоси.

ТАШКИЛОТЧИ ВА ТАШАББУСКОР БЎЛАЙЛИК

Бог бригадасининг дала ший-понда бутун ўғачча руҳ ҳукмрон. Совхознинг 2-бўлимни коммунистлари бу ерга ўз цех партия ташкилотларининг бир йиллик ишини муҳомама қилишга, эришилган ютуқлар ва йўл-қўйилган нуксонларини кўрсатишга келишган.

Утган йилнинг худди шу даврида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиллигинида бунчалик кўп коммунист иштирок этмаганди. Чунки у пайтда бўлимда партия аъзоларининг сони анча кам эди. Бир йил давомида цех партия ташкилоти сафи янада мустаҳкамланди. Коммунистларнинг сифат состави яхшиланди. Ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатган ва яхшилоқ ҳаётда бошқаларга ўрнак бўлаётган ишчилардан етти киши партия аъзоллигига ва икки киши кандидатликка қабул қилинди. Ҳисобот-сайлов йиллигининг тайёралишида улар ҳам актив иштирок этдилар.

Илгари тўланган тажрибага кўра бу галги ҳисобот-сайлов йиллигининг тайёралишига ҳам партияро олдидан киришди. 3-бригада партия группаси ташкилотчиси Раҳмон Эгамбердиев, 5-бригада партия группаси ташкилотчиси Тўхта Қўжаев, бўлим идораси партия группасининг ташкилотчиси Шамиди Жўраева ўртоқлар бошчилигида тузилган комиссия аъзолари цех партия ташкилотининг соҳалар бўлиб бажарган ишларини аниқлаб, ўз фактларини ҳисобот доқдалига сингирдиладар.

Йилнинг ушшоқлиги билан бошланди. Йилнинг ўтадиган кўп, соати ва жойи коммунистларга олдиндан маълум қилиб қўйилган эди. 45 коммунистнинг барчаси айтилган соатда дала шийпонда ҳозир бўлди. Докладчи 2-бўлим цех партия ташкилотининг секретари Абдулла Мирзабеков ҳисобот даврида партияро амалга оширган тадбирлар ҳақида ба-тафсил гапириб берди.

Цех партия ташкилоти сафига бирлашган коммунистларнинг асарияти бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш билан банд. Ушбу партия бригадаларга тажрибали коммунистлар бошчилиги қўйилмоқдалар. Уларнинг ташкилотчилиги ва талабчанлиги билан картошка, помидор тайёрлаш йиллик планлари бўлимда барабарт бажарилди. Эа дастурхонига 2-минг тоннадан кўпроқ сабзавот махсулотларини етказиб берилди. Сентябрь ойида яна 1200 тон-

надан ортиқ ҳосил йиғиб олинди.

Шунинг қувончлиги, бўлимда экин майдонлари кенгайтирилмаган ҳолда тобора мўл-кўл сабзавот, мева-чева, полза экинлари махсулотлари етиштирилмоқда. Коллектив ҳар бир гектар ердан унумли фойдаланишга, резерварлари тўлароқ ишга солишга, агротехника тал-бирларини ўз вақтида сифатли ўтлашга ҳаракат қилмоқда. Тинчлик меҳнат ўзининг қувончли натижаларини бермоқда.

Муваффақиятлар қўлани кенгайган сари совхоз ишчиларининг моддий даромади ошди, ишчиларнинг турмуш шароити яхшиланиб борапти. Ҳозир илгори ишчилар оинга салкам 200 сўмдан маош олишар эдилар. Ўрнибди Аҳмедов, Исабой Қўчқоров каби коммунистлар унумли ва сифатли ишларида барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Бўлим сисий ташкилотчи-

сисий қарорлари асосида оммавий-сисий ишларини ташкил этиш, комсомоллар активлигини ошириш каби масалалар муҳомама қилинди. Ўзиди-ликда коммунистлар ҳисоботи вақти-вақти билан тинглаб берилмоқда.

КПСС XXIV сессия коммунистларини голий тарбиялашнинг жуда катта аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Партиямиз кучи коммунистларнинг голийлиги, активлиги, фидоқорлигида эканлиги сессияда ўқитиб ўтилди. Коммунистларини голий чинқитириш ва зифаси цех партия ташкилоти этиборида турибди. Коммунистлар ва партиясиз активлар ўртасида марксизм-ленинизм назарияси кенг пропаганда қилинмоқда. Партия аъзолари ва аъзолани кандидатлар сисий ўтаракларда ўз билимларини оширмоқдалар. Пропагандистлар асосий этиборини кенг меҳнатчилар оmmasида коммунистик дунёқарашни шакл-

донорлиги билан олти ойда пул даромади олинган йиллик планга бажарилди. Мева-чева ва сабзавот махсулоти тошириқли планни ҳам бажарилиш арафасида турибди. Ҳозир бутун этиборимиз беш йиллик тошириқлини тўрт йилда адо этишга қаратилган. Бу маррани эгалламоқ учун бор куч ва имкониёт ишга солинмоқда.

Коммунист Ш. Жўраева қишлоқ жамоллининг тобора очилиб бораётганлигини ҳур-санд бўлиб гапирди. Янги уйларда янги таълим ўтлаш одат тусига кириб бормоқда. Ҳар бир хонадон Илгир чиротдан чаргон. Аммо маданий-машарий хизмат кўрсатиш аҳолди талабларини тўла қондиқотмайди. Аёл ишчилар меҳнатини энгиллаштирувчи тадбирлар кўроқ керек.

2-бўлим бошлиғи Р. Қўдошев партияга қабул қилинган коммунистларнинг сифат составини янада яхшилаш ва уларга бўлган талабчанлигини ошириш лозимлигини ўқитди. Ҳисобот даврида етти киши партияга қабул қилинди. Лекин улар орасида бирорта ҳам аёл киши йўқ. Ваҳоланки, махсулотлар ишлаб чиқаришда, коммунистлар билан бир сафда ту-риб, мўл ноз-неъматлар ерла-ётган аёллар ҳўқалида кўп.

2-бўлим коллективи 189 гектар ерда деҳқончилик қилмоқда. Ўтаган оғиллардан мўл ҳосил олинди. Ҳозир 60 гектар ерга кечки қарам, 20 гектар ерга сабзи, 10 гектар ерга бол-ринг, 12 гектар ерга помидор оқилган. Бу майдонлардан яна 1,5 минг тонна ҳосил йиғиб олиш низоми бор. Коммунистлар ердалинда кечки экинлар парварлишини яхшилаб, улар ҳосилдорлигини оширишга этиборини қучайтиришлари, керек.

Йиллигида сўзга чиққан 4-бригада бошлиғи Т. Исмаилов, кечка коммунист М. Қўшаев, совхоз партия комитетининг секретари А. Мирзабеков ўртоқлар ҳам цех партия ташкилоти жанговарлигини янада ошириш ва коммунистлар активлигини ўстиришга ердан берувчи қимматли тақдирларини билдирдилар.

Йиллигида цех партия ташкилоти бюросининг янги состави сайланди. А. Мирзабеков яна цех партия ташкилоти секретарилигига сайланди.

Р. УМАРОВ,
Ж. НОСИРОВ,
Калинин райкомининг «Партия XXI сессия» совхоз.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШЛАРИ

ларини, сисий ахборотчилари ва ахборотлари ҳалот меҳнат тўқилиш қўлга киритилган ютуқларини кенг пропаганда қилмоқдалар. Ишчилар айланиш, сисий ташкилотчи А. Шамсидиновнинг фидоқорлигида мазун. У ўзига бирик-тирилган 12 та хонадонда ҳар кун бўлиб, меҳнатчилар та-лаб ва ахтирларини ўрганади. Уларга кераси масалаҳатлар беради. Сисий ташкилотчилар ердан билан оилаларнинг меҳнат даромадлари тобора сама-ралироқ тақсимланмоқда. Ҳозир ушбу оилалар ўз даромад-ларига янги уйлар қуриб олиш-ган. 310 хонадонда телевизор, 280 хонадонда радио ишлаб турибди. Барча хонадонлар тўла электрлаштирилган. Қишлоқ маданияти йил сайини ўсиб борапти.

Ҳисобот даврида коммунистлар активлигини ошириш, партия группалари жанговарлигини ўстириш, комсомолга партия раҳбарлигини ахтирлаш масалалари цех партия ташкилотининг доимо диққат мар-кази бўлди. Оқиб партия йил-лигида беш бригадаси ва 5-бригада партия группалари ҳисоботи тингланди. КПСС XXIV

лантисини, ишчиларини марксизм-ленинизм тоғлари руҳида тарбиялашга қаратмоқдалар.

Ҳисобот-сайлов йиллигида КПСС XXIV сессия ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети II пленуми қарорлари асосида бошлангич тақдирлар иш методиди ва услубини янада та-комиллаштириш, коммунистлар ташаббускорлигини ошириш, илгори ташкилотлар иш тақри-басини кенг қўллашнинг юзасидан баиарилиши лозим бўлган ваифалар алоҳида ўқитиб ўтилди. Музокарада сўзга чиқ-қан кечка коммунист С. Тош-қўжаев ҳўқали ишлари билан бир қаторда ташкилий-тарбия-вий, оммавий-сисий ишлар қў-ламини янада кенгайтириш лозимлигини айтди.

Коллективизмда коммунистлар асосий куч ҳисоблана-ди, — деди 3-бригада партия группаси ташкилотчиси Р. Эгамбердиев. — Группамизга ўн коммунист биришган. Уларнинг ҳар бири партия тошириқига эга. С. Пардаев ешлар активлигини ошириш, А. Ўрибев меҳнат иттифоқини мустаҳкамлаш, С. Аҳмаджонов техника тараққиёт учун жанговардир. Коммунистлар фи-

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

Тўққизинчи беш йиллигининг дастлабки йили ўтган ойлари коллективизм учун қувончли бўлди. КПСС XXIV сессиянинг тарихий қарорларини оғилмай амалга ошириш учун астойдил иштирокчи корхонамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари санкс ойл-лик махсулот реализация қилиш ланини ошириб адо этдилар. Шу давр мавойида планга қўшимча равишда янми миллион сўмлик янги зав-бўе-лар, халқ истеъмоли учун хил-миллий махсулотлардан пландаги 18 минг сўмлик ўрнига 87 минг сўмлик ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди.

Бундай меҳнат асарлари ўз-ўзидан қўлга киритилган мўл, албатта. Биз биринчи нав-батда цехлардаги иш унуми паст бўлган механизмларни янги замонавий меҳнат унумдор-лигини кескин ортирувчи тех-ника билан алмаштиришга ҳар-ратдик. Меҳнатини янми асо-да уюштиришга қаратилган бешта тақдирнинг амалга оши-рилиши натижасида 50 минг сўмлик фойда олинди.

Бу борада рацонализатор ва иxtиpочиларимиз ҳам сама-рали меҳнат қўлиб келишма-ди. Уларнинг ҳозиргача 30 га-лигин рацонализаторлик тақ-дирлари ишлаб чиқаришга бе-восита жорий этилди. Шу йил-нинг охиригача ана шундай

тақдирларнинг амалга ошири-лиши эвазига 180 минг сўмлик тежам қўзда тутилмоқда. Бундан ташқари корхонамиз-да лак-бўёқларнинг янги-янги хилларини тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият берилляпти. Шу йилдан бошлаб Ц-Ф-266 маркали амалии юқори на-ли сортини ишлаш технология-си ўзлаштирилди. Бир йилда ана шундай амалдан 200 тонна тайёрлаш қўзда тутилган эди. Санкс ой мавойида бу кўр-сатини 261,4 тонна қилиб оши-риб бажарилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Халқ ҳўқали-да ишлаб чиқариш резерварини фойдаланишга яхшилаш ва иштирокчи тажамкорлигини қучайтириш» ҳақидаги қатъий сўнг онда тажамкорликка ало-ҳида этибор қилина бошлан-ди. Ҳар бир илгир-хизматчи хомашедан оқиллона фойдала-ниб, электр қувватидан тежаб фойдаланишга иштило бошлад-ди. Ишчи беш йилликда ҳам ана шу ишор барианинг фикр-еида-и бўлди. Дастлабки санкс ой мавойида хомаш ва ердагич материаллардан 30 минг сўм-лик, 180 минг киловатт-соат электр қуввати, 660 гонкало-лиг несиқлиқ энергияси ишти-сод қилинди. Бунда, айниқса, тажамкорлик асосида иш юри-

ган Н. Сигова, С. Салоҳитдино-ва ва О. Лякин каби ошалаб тежам ишчиларининг ҳисса-си салмоқли бўлди.

Яхши дам — меҳнатга ҳам-дам, — дейди халқимиз. Бунга тўла амал қилган завод маъму-рияти ва қасаба союз комитети ишчи-хизматчиларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун бир қалча қимматли тадбирларини амалга ошириляпти. Ямудла-дан, шу давргача ишчи-хизмат-чилардан 41 киши бешон мам-лакатимизнинг турли санато-рида халқаролиқ қириб, сал-матлиқларини тиклаб қайтиш-ди. 26 киши эса Болгария Халқ Республикаси бўйлаб қилинган сабаҳдан қайтди.

Меҳнатсевар коллективимиз шу йил план тошириқини 26 декабрда бажаришга, беш йил-лигини эса тўрт йил-да 10 ойда бажаришга азму қарор қилган. Айни кунларда корхонамизда бўлиб киши меҳнат қўлини қилиш ҳўқ сўраётганини гувойи бўлади. Улар зиммала-рига олган мажбуриятларини муддатидан илгари удаласи учун кун сайин беракати меҳ-нат қилишмоқда.

А. РАҲМАТИЛЛАЕВ,
Тошкент лак-бўёқ заводи қасаба союз комитетининг раиси.



ЧИРЧИКЛИК пойафзалчи-лар А. Сегитабаева ва Э. Иброҳимова корхонанинг пешқа-дад косибларидан ҳисоблана-дилар. Коммунистик меҳнат забрдорлари қўлдалик тоши-

риқини 125—130 процентдан кам бажаришмайдилар. Сўратда: (чапда) А. Сегитабаева ҳамда Э. Иброҳимова ўртоқларини қўриб турибди. С. Махов фотоси.

НОВАТОРЛАР ИЗЛАНИШДА

Ангрел корхоналарида минглаб иxtиpочилар ва рацонализаторлар меҳнат қилишляпти. Улар оғир қўл меҳнатини энгиллаштирувчи, меҳ-нат унумдорлигини оширувчи ра-цонализаторлик ва иxtиpочилик тақдирларини ишлаб топиб, бу тақдирларини ишлаб чиқаришга жорий этишмоқда. «Средазголь» комбинатининг юк ортиш транс-порт бошқармасида ҳам кўпгина қимматли тақдирлар ишлаб чиқа-ришда бевосита қўллашмоқда.

Фойдаланиш ҳизматининг ишчи-лардан А. Чумачетов, А. Каре-дан ва Н. Аманов ўртоқлар тақ-дирли айниқса, қимматлидир. Улар темир йўл платформалари-да тепловозларга йўл кўрсатувчи

лиги механизм иxtиpочиларини. Бу тақдирнинг қўллашляпти ту-файли 25 ишчини бешта ишга ў-қалиш низоми тутилди. Бундан йилга 66 минг сўмлик самара олинди.

Электровоз машинисти А. Ку-лишев думкарларини вагонлардан туширувчи қраннинг янги кон-струкциясини ишлаб чиқди. Нати-жада иш унуми бир неча процент-га ортди. Умуман олганда эса но-ваторлар тўққизинчи беш йилли-гининг дастлабки йилида рацонали-заторлик тақдирларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши эвази-га 490 минг сўмлик тежаб қозин-учун астойдил ҳаракат қилишмоқ-да.

Ф. ПЕТРОВ.

А. КОМИССАРОВ.



М. ҚОРИЕҲУБОВ номидаги ўзбек давлат филармониясида таланти ёш рақсчиси Қиллархон Дўстмухамедов билан доврачи Одил Исахонларнинг янги рақси урганиш пайти.

ХОТИРАНГИЗ ЯХШИМИ?

Ўтмишда шундай буюк хотиранг бўлгани, кенсайдан чоплариди ҳам уларнинг фикрларини қобилияти ўтири. Хотиралари аса мустақам-лигича қилаверган. Қадимги юнон драматурги Софокл қарангиди ҳам нодир асарлар яратган. Гете 80 ёшида «Фауст» трагедиясини ёзиб тугатган. Толстой 80 ёшида ҳам ҳар бир детални ёдга сарлаб қилиш қобилиятини йўқотмаган.

Ҳўш, хотира бунчалик узоқ вақт мустақам қилишнинг сабаби нимада? Бу саволга қадимги Юнонистоннинг энг сўзамол нотиғи Цицерон «Кенсаллида хотира фақат машқ қамчал бўлгандагина ёмонлашади» деб жавоб берган эди.

Дардариқат, мунтазам

ФАН ОЛАМИДА

жисмоний машқ мускул кучини қамчалли мустақамла-са, ақлни доимо нешлаб тур-рини ҳам хотиранинг яхши бўлишини таъмин этади. Ме-ханик ёдга сақлаш қобили-ти пасайган сари унинг ўр-нини мантиқий хотира юю-ри даражада эгаллаб бора-ди.

Қатор олимларнинг ҳисоб-нисбатан ҳисса умри даво-мида бош миёна пўстағидида нейронларнинг аттиги 4 про-центидан кўпрогидан фойда-ланар экан. Демак, инсон миёнасининг имкониятлари чексиз, битмас-туғамасдир.

Қадимда яшаган халқлар-нинг хотирани мустақамлов-чи дор-дармонларни йала-

лидир. Ҳинд адабий ёдгор-лиги — Веда китоблари (у-назм ҳам — наср билан би-тилган) санки асрдан ор-тиқроқ вақт давомида оғиз-дан оғизга ўтиб келган.

Ҳўш, хотирани мустақам-лаш ва уни яхшилаш мум-кинми? Бу саволга «мнемо-ника» деб аталган фан жа-воб беради. Бу фан яратил-ганда буюн неча минг йил-лардан, Юнон филозоф-лари, Румо нотиқлари, жу-зларидан, Суқрат, Плутарх, Ци-церон ва Арасту. ўрта аср мутафаккири Жордану Бру-но хотирани яхши сақлаш ва мустақамлашга онд қил-лаб фойдаланиш фикрларини ай-тиб қолдирганлар.

Қадим даврлардақ киши-лар хотирани мустақамлов-чи дор-дармонларни йала-

лидир. Шу мақсадда кам-фара, майоран, қонгулдав-фондаланиш, бошини совуқ сув билан ювиш, усуллари қўлланилган.

Ушандан буюн орадан аср-лар ўтди, аммо хотирани ях-шилаш восита ва усуллари-ни йалаш давом этмоқда. Олимлар хотиранинг биохим-мик жараёнларини тасвирлаш йўли билан эслаш жараёни-ни енчиллаштиридаган пре-паратларни яратини устиди тинмай ишламоқдалар. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Ҳали шундай пай-тлар келадими, инсон ўз хоти-расини бошқаришни ўрганиб олади. «Хотира» дорисини ютиб, илгари ҳафтадаб ёд-лаб ололмаган материални бир соат ичида ўзлаштириш имконига эга бўлади.

Ҳозирча хотирани сақлаш ва уни мустақамлашнинг бирдан-бир йўли миянинг соғлом бўлишини таъмин-лашдир.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00дан — Москва кўрсатади. ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

19.00 — Кўрсатувлар програм-маси.

Рус тилида: 19.05 — «Ҳар бир ёгончи жазоланди» (болалар учун мультфильм), 19.15 — «Ах, ботот» информацион программаси, 19.25 — Ўзмирав учун «Мен қурувчи бўламан».

Ўзбек тилида: 20.25 — «Ахборот» информацион программаси, 20.40 — Муманнэз ШАРИПОВ индий портрети, 21.40 — «Оқ олтин» карсон-карсона (қиллоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатуви).

22.00дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

22.30 — «Қўл бўйида» (бадий фильм), биринчи серия, Ўзбек тилида.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар програм-маси.

Рус тилида: 18.00 — «Ливан кундалиги» (телеочети), 18.20 — «Ешлик» студияси кўрсатади. «Ўзбекистон комсомол».

19.00дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

22.00 — «Автоинспектор бюлле-тени» (Ўзбек тилида).

22.30дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — «Таниқ-ли созоналар» (Альберт Марков), 20.30 — «Тўйида» — 02», 21.00 — «Альба Регия» (бадий фильм).

КИШКО

КИШКИ БИНОДА

Ҳалокат қалъаси (эрталаб соат 10 да), Фанфан-Толпан (кундуз ва кеч куруви) — «ЎЗБЕКИСТОН», Тасодифий муҳаббат — «ЎЗБЕ-КИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «ҲАМЗА» (кундуз ва кеч куруви).

Етти оғалини Черчиллар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛ-ЛИГИ», «ЧАЙКА» (куфт соатлар-да).

Сағнам (3 серия, Ўзбек тилида) НАВОНИ номли (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Музланган (кундуз соат 11, 1, 3 да), Музика саҳналари (2 серия, кундуз соат 5 ярим ва кеч 8 яримда) — САНАТ САРОНИ.

Ҳаёлараст изкувар — «КУК-ЧА» (тоқ соатларда), «ВОСТОК», «МОСКВА» (куфт соатларда), «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (кундуз ва кеч куруви).

Рубекаль сари йўл — «КОМСО-МОЛ 30 ИЛЛИГИ» (куфт соат-ларда).

Эркинлик давраси — «СПУТ-НИК» (кундуз соат 11 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Ҳалокат қалъаси — «ХИВА».

Катта сайр (2 серия) — ТЕЛЬ-МАН номли.

Рубекаль сари йўл — ФЕСТИ-ВАЛЬ.

Леди Гамильтон — «РАКЕТА».

Свердлов номли концерт залда.

3 СЕНТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ ар-тистлари: Шаҳноза РАҲИМО-ВА, Кундуз МИРКАРИМОВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Мехри АБДУЛЛАЕВА, Карим АЛИЕВ, Гафур АЗИМОВ.

Солистлар: Камолиддин РА-ХИМОВ, Халима ХОЛБОЕВА, Тельман ҲАСАНОВ, Тобиюнов МУЛЛАЖОНОВ, Одилов ИМИ-НОВ, Эркинхон ДАВЛАТОВ, Роҳатой МАИМОНОВА, Сора ШУКУРОВА, Азим АЗИМОВ, Раҳима РИХСИЕВА, Азиза ТУ-ЛАГАНОВА, МУРОДБЕИЛИ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛУҒ АСВОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани Назрулла ЕКУ-БОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали нас-сасида кундуз соат 2 дан сотилади.

«Ўзбекистон-Регистрой» трес-ти коллективни трест бошқа-рувчисининг ўринбосари

Сотин Мадалмевич МАДАЛИНИНГ

вафот этганини ҳуқуқ қай-ғу билан билдириди ва мар-хумининг оиласига таъзия из-ҳор қилади.

25 ШАҲАРГА

Ғазалкеңдаги тошни қайта-қайта қомонати цехларида тайёрланаётган маҳсулотларга йил сайин талаб ортиб бора-пти. Ҳозирги кунда бу ерда йилдан йилга гранит ва мрамр тош мамлакатимизнинг 25 ша-ҳарига юборилган.

Ғазалкең мрамри Тошкент қурилишларида ҳам жи-ло бахш этилган. В. И. Ленин номидаги марказий музей филиали, «Юбилейный» спорт саройи каби унчал ишчиотларда мар-мар ва гранитлар қўй иш-латилди. Ҳозир қад кўтарётган

меҳмонхоналар, маъмурий би-нолар қурилишида ҳам мар-мардан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозир қорхонада қўшимча қувиатларни ишта тушириш тадбирлари қўйилган. Ўтган йили қурилишларга 21 минг квадрат метр мрамр ва 11 минг квадрат метр яқин гра-нит етказиб берилган эди. Бу йил мрамр ва гранит ишлаб чиқариш янада кўпайди. Мон-таж қилинаётган янги қури-ла ва ускуналар комбинат иш-чилари меҳнатини тобора ен-чиллаштирмоқда.

МЕҲНАТ БАЙРАМИ

«Қизил Ўзбекистон» қолхо-зи-нинг халқ рақс ансамбли рес-публикамадаги эмас, балки бутун Ўзбекистонда ҳам маъ-лум. Унинг дирижаб қўшиқ ва рақслардан тўзилган ранг-ба-ранг томошалари ҳамма жойда шинавандалар олқиниға сазо-вор бўлапти.

Яқинда ансамбль қардош Болгариянинг областияси билан мусобақадон. Касково округи дан тактифнома олд. Ансамбль доврғини билган дўстларимиз қолхо ҳаваскорларини ўз юр-ларига ташриф буоришини ил-тимос қилибдилар.

Ҳозир ансамбль сафарга пу-хта тайёргарлик кўрмоқда. Ўзе-кистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Нишонов раҳбарлиги да янги томоша программаси ре-питация қилинаётир.

Ансамбль асосан қадимги ва ҳозирги замон ўзбек рақсларини қардошларимизга намойиш этиши ниятида. «Меҳнат байра-ми» деб аталган рақслар гул-диастаси программанинг асоси бўлади. Тез кунда ансамбль қатнашчилари қардош Болга-рияга сафар қилдилар.



Орижонкидэ райондаги «Қирай» богдорчилик-ўзғичлик совхозининг қўли гул соҳибкорлари бу йил ўзғамдан юқори ҳосил еттиштирилди. Шуқуларда ишчиб етилган ўзғич уни ўзиш қўтайтириб юборилди. Суратда — илгор ишчи К. Алиева, Р. Шамсидинов ва А. Усмонов фотоси.

Спорт

ЯШИН ШАРАФИГА

Ажойиб совет дарвозабони Лев Яшин шарафига бағишлан-иб Италиянинг Милан шаҳри-да қизиларни футбол ўйини ўтказилди. Унда Италиянинг бегеран футболчилари жаҳон-нинг машҳур ўйинчилари бил-ден куч синашилди. Жаҳон «олдузалари» терма командаси составида Лев Яшиндан таш-қари англиялик Кози, брази-лиялик Гаррич, Тостао, Да Силва, португалиялик Колуна, испаниялик Хенто ва б. д. лар ўйнадилар. Ўйин италиялар фойдасига 4:2 ҳисобида ҳа-л бўлди. Лекин шунга қарамай Яшиннинг сўмас маҳоратини ҳамма олқинишди. Майдон эга-лари дарвозасига иккала тўп-ни Тостао киритди.

ГИЛАМДА ЁШ ПОЛВОНЛАР

Тошкент ва Бухоро шаҳар-ларида ёшлар ўртасида клас-сик ва эркин курашдан Ўзе-кистоннинг шахсий-команда би-ринчилиги ўтказилди. Пойтах-тимиздаги «Ешлик» спорт ар-насида кўнгилаш спорт жамия-лари, идораларнинг 70 га яқин полвон куч синашди. Ўмумкоманда ҳисобида «Меҳ-нат» жамияти ёшлари яхши нажалига эришилди. Ўзгиллар командасида республиканинг тўрт чемпиони бор. Булар Олжон Осулов, Александр Варанки, Шокир Қорабев, Бахтиёр Омаровлардир. Иккин-чи ўринни олган спортчилардан Айдар Зайниддинов, Гео-ргий Черепинов, Александр Токтоев, Мақсуд Мусахудинов ва Валерий Пой республика чемпиони бўлишди. Учунчи ўринни «Локомотив» (узлардан Александр Гришко, Голуб чикди), тўртинчи ўринни «Ди-намо» (бу жамиятдан Илья Эшпанов чемпиони бўлди) эгал-лади.

Бухородаги «Строитель» ста-дионида бўлган эркин кураш мусобақаларида «Динамо» жа-мияти командаси Голуб чикди. Иккинчи ўринни «Спартак», учунчи ўринни «Буревестник» полвонлари эгалладилар.

«МЕҲНАТ» ПОЙГАЧИЛАРИ ГОЛИБ

Наманган шаҳрида вело-спортдан ёшлар ва ўзмирав ко-манда республика шахсий-команда биринчилиги уч кун давом этди. 82 пойгачи дастлаб 25 километрга шахсий мусоба-қада куч синашди. Бунда «Меҳнат» акаллари Алек-сандр Поситини ва Александр Канидан маррага биринчи бў-либ кетдилар. Ўлар 50 ва 75 километрга гурупа пойгасида ҳам галаба қозонди. Ёшлар ўртасида 25 километрга ко-манда пойгасида «Меҳнат» вело-спортчилари ютиб чикдилар (38 минут 51 секунд). Ўмум-команда ҳисобида ҳам ана шу жамияти акаллари биринчи-лиги олди. Иккинчи ўринни «Спартак», учунчи ўринни «Динамо» пойгачилари қўлга киритдилар.

ТўРТ РЕКОРД

Чириндаги «Сплав» спорт клуби стадионида оғир атле-тикадан ўтказилган Ўзбеки-стон ёшлар ва ўзмирав би-ринчилиги республиканинг тур-та янги рекорди ўрилатилди. Владимир Артехов («Меҳнат») энг енгил вазнда икки рекорд сартори бўлди. У жимда 66,5 килограмм, ривокда 74 кило-грамм натижа кўрсатди. Енгил вазнда Раҳим Уладанов («Меҳ-нат») ривок машинда 84 кило-грамм натижа билан рекорд қўйди. Яна бир рекордни ярим енгил вазнда Владимир Ким толчок машинда ўрилади. (121 килограмм). Ўмумкоманда ҳис-обида ёшлар ўртасида «Меҳ-нат», ўзмирав ўртасида «Бу-ревестник» итгачилари го-либ чикдилар.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Ўзбекистана и областного Совета депутатов гродящихся.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси, № 26. Редактор — 336495. Редактор ўринбосарлари — 835885, секретариат — 834808. Саноат, қурилиш ва транспорт — 833786. Совет қурилиши — 837045. Пропганда, адабият ва санъат — 831936. Кишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юрти — 839050. Партия турмуши, маҳаллий ахборот ва спорт — 833811. Оммавий ишлар ва қатлар — 834048. Эълонлар — 338142. Коммутор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330256, 330257, 330258.